*Баҳодир ЭШОНОВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси*

# ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ — БАРҚАРОР КОНСТИТУЦИЯ

**Ўзини мустақил давлат деб эълон қилган ва демократик ислоҳотлар йўлига ўтган Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқда. Унда барча қонун олдида тенгдир ҳамда ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда тенг ҳуқуққа эгадир.**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуришдан иборат олижаноб мақсадни эълон қилди. Бу мақсад Ўзбекистон тарихида биринчи марта олий даражада чиқарилган қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Янги Конституция давлатимиз ҳокимиятнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан жамиятни қонун ёрдамида бошқаришга ўтганлигини ифодалаб берди. Давлат, унинг барча органлари ва мансабдор шахслар Конституция ҳамда унга мувофиқ қабул қилинган қонунлар доирасида ишлашга даъват этилгандирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон халқларининг иродаси, руҳи, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. У жаҳон ҳамжамияти томонидан демократик негизлар ва тамойилларни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлантирган ҳужжат сифатида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўтган тўрт йил мобайнида фуқаролар тинчлиги, миллий тотувлик, шахс эркинлиги ва сайлов эркинлигига, барқарор сиёсий вазиятга эришилишига ёрдам берди.

Конституция 128 та модда, 26 бобдан иборатдир. У қисқача муқаддима билан бошланади. Унинг моҳияти шундаки, халқ ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Конституцияни қабул қилди.

Биринчи бўлим — бу Конституция асосий принципларининг мажмуидир. Булар давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эканлигини белгиловчи принципдан иборат.

Агар биринчи бўлим конституциявий тузумнинг асосий принциплари мажмуидан иборат бўлса, иккинчи бўлим инсоннинг ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликларини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни инсонни жамият ва давлатнинг энг олий бойлиги деб эълон қилади. Унинг 128 та моддасидан 60 тадан зиёди шахснинг ҳуқуқий мақомига ва фуқароларнинг эркинликларига бағишлангандир.

Конституциянинг учинчи — «Жамият ва шахс» бўлимида шахс фуқаровий жамиятнинг эркин, онгли, мустақил аъзоси сифатида таърифланган. Шахснинг манфаатлари ҳамма нарсадан устундир, шу боис Конституция шахсни энг асосий бойлик этиб белгилаган.

Инсоннинг фуқаровий ҳуқуқлари ва эркинликларининг мустаҳкамлиги ҳамда зарурийлигидан келиб чиқадиган инсонпарварлик ғоялари Конституцияга асос қилиб олинган. Аниқроғи, халқ давлат ва ҳукумат учун эмас, балки давлат ва ҳукумат халқ учун мавжуддир. Бинобарин, ҳуқуқлар ва эркинликларни эълон қилишнинг, ҳатто уларни қонунларда мустаҳкамлаб қўйишнинг ўзи камлик қилади. Бу ҳуқуқлар ва эркинликларни моддий жиҳатдан таъминлашга эришиш, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар юқоридан пастга қадар жамиятнинг барча аъзолари қонунларга оғишмай риоя этишини кафолатлаш зарур. Фақат ана шундай ёндашиш, ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳақиқий кафолатларини ҳамда уларнинг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали чинакам ҳуқуқий давлатни қуриш мумкин. Зеро, бундай давлат тушунчасининг ўзи барча фуқаролар томонидан бажарилиши шарт бўлган қонуннинг устунлигини, олий мақомлигини, халқаро ҳуқуқнинг миллий қонун-қоидаларга нисбатан устуворлигини, умуминсоний қадриятларнинг барча бошқа қадриятлардан юқори туришини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади. Олий Мажлис олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Республиканинг Президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. У айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади. Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир.

Ҳозирда мамлакатимиз олдида фуқароларнинг Конституциямизда ва бошқа қонунларда белгиланган ҳуқуқлари тўла рўёбга чиқарилишини таъминлашдан иборат муҳим сиёсий вазифа турибди.

Ўзбекистон суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Конституциянинг олтинчи бўлими Конституцияга ўзгартиш киритиш тартибини белгилайди. Ушбу бўлимни шарҳлаганда шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий қонун кучига эга. Негаки у доимий ва барқарор юридик қадриятларни ўзида мужассам этган.

Конституция давлатнинг таянч қонуни сифатида узоқ вақт амал қилишга мўлжалланган бўлиб, бу унинг моҳияти ва табиатидан келиб чиқади. Унинг барқарорлиги, аввало, ундаги нормаларнинг кучли моҳияти билан белгиланади.

Конституцияни ўзгартириш тартиби унинг 127- ва 128-моддаларида баён қилинган. Конституцияга ўзгартишлар киритишнинг алоҳида тартиби назарда тутилган.

Биринчидан, бу Конституцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида фақат чекланган доирадаги органлар ва олий мансабдор шахслар таклифлар кирита олишидир. Бундай ҳуқуққа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар республика Олий Мажлиси депутатлари жами депутатларининг камида учдан икки қисмдан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади.

Учинчидан, Конституцияга ўзгартишлар киритиш учун киритилган таклифларни кўриб чиқишни бошлаш учун алоҳида муддат белгиланган. Шу боис Конституциянинг 128-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ва тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкинлиги қатъий белгилаб қўйилган. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартиш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин. Бундай конституциявий амалиёт илғор Ғарб давлатларида мавжуддир.

Шу тарзда Конституциянинг барқарорлиги ва ўзгармаслиги, бир тарафдан Конституциянинг норматив кучи билан, иккинчи тарафдан эса Конституцияга ўзгартиришлар киритишнинг алоҳида тартиби билан таъминланади.

Бизнинг Конституциямиз аввалги «совет» конституцияларидан фарқли равишда барқарордир. Негаки, ҳокимият бўлинишининг Ғарб мамлакатларининг демократик Конституцияларига хос бўлган оқилона тарзини, меъёрларинигина эмас, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасини ҳам ўзига сингдирган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ижтимоий зиддиятларни куч ишлатиш йўли билан эмас, балки ижтимоий муросага келиш йўли билан бартараф этиш воситаси сифатида таърифланган. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз Конституциясида фуқаролик жамияти, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, фикрларнинг хилма-хиллиги, ҳокимиятни демократлаштириш каби умумдемократик ғоялар ва тартиботлардан кенг фойдаланилган.

Тариҳ далолат берадики, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қонуннинг устунлиги таъминланган, фуқаролик жамияти таомиллари жорий этилган давлатлар мавжуд бўлган. Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзи муаллифи бўлган «Темур тузуклари»да давлат арбоблари тафаккур олийжаноблиги ва маънавий улуғворлик, оқиллик ва фаҳм-фаросатлилик, оддийлик, сабр-тоқатлилик ва муросага келтира олишлилик каби фазилатларга эга бўлиши борасида йўл-йўриқлар кўрсатилган. «Темур тузуклари»даги бундай йўл-йўриқлар соҳибқирон Амир Темурнинг давлат тузилмасида ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш принциплари ҳамда ижтимоий тотувлик ва тинчликка эришиш йўллари қандай мужассамлантирилганига мисол бўла олади. Ўзбек давлатчилиги ривожининг ана шундай тарихий тажрибаси асосий қонунимизда ўз ифодасини топган.

Умуман олганда, Конституциямизнинг ҳуқуқий концепцияси инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, фуқаролар эркинлиги, ҳуқуқий давлат ва миллий давлатга хос хусусиятлар каби умумий қадриятларнинг узвий бирлигини ўзида акс эттиради. «Совет» конституциялари эса кўпинча муайян даврлар, ҳатто айрим шахслар учун қабул қилинганди. Ўша даврдаги конституциялар қандай бўлишидан қатъи назар, коммунистик мафкурани акс эттирган бўлиб, мавжуд тоталитар тузумни, ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан давлат мулкчилигини қўриқлар эди. Шу сабабли етмиш йил мобайнида собиқ совет ҳудудида 1927, 1936-1937, 1977-1978 йилларда уч марта конституциявий ислоҳотлар ўтказилган.

1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституцияси барқарорлик ва демократиклик намунаси ҳисобланади. Унга 1791 йилда Ҳуқуқлар тўғрисидаги «билль» деб аталувчи ўн битта, кейинги асрларда ўн олтита тузатиш киритилган. Ушбу «билль»да ҳозирги американликлар муҳим ва дахлсиз деб ҳисоблайдиган виждон, сўз, матбуот, йиғилишлар ўтказиш эркинлиги каби асосий ҳуқуқлар ва эркинликлар аниқ баён қилинган ва кафолатланган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, Конституциямизнинг барқарорлигини, унинг энг муҳим принциплари ва нормаларини ҳар бир ўзбекистонлик англаб етиши зарур. Чунки у маънавий-маданий эҳтиёжларни, ватанпарварлик туйғуларини, таъбир жоиз бўлса, халқнинг виждони ва диёнатини ўзида мужассамлантирган бўлиб, биз учун муқаддасдир. Шу боис Ўзбекистон Конституцияси халқимизда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялайди, давлатимиз рамзлари: Ўзбекистон гимни, байроғи ва гербида ўз ифодасини топган бахт-саодат сари етаклайди.

# ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН БАНКИ: ҲАМКОРЛИКНИНГ КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

**У ёки бу мамлакатнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги унинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, сиёсий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишига интилгани боиси ҳам шунда.**

Дарҳақиқат, истиқлолнинг иккинчи йилидаёқ республикамизнинг икки йирик халқаро молиявий ташкилот — Жаҳон банки гуруҳи ва Халқаро валюта жамғармаси аъзолари сафига қўшилиши катта ҳаётий воқеа бўлди.

Ўтган беш йил муддат ичида мамлакатимиз тарихи зарварақлари шу каби яна кўплаб қувончли воқеалар билан бойиди. Биз ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий тикланиши учун муҳим ўрин тутган Жаҳон банки билан ўзаро муносабатларга тўхталишни жоиз топдик.

Жаҳон банки 1944 йилда АҚШнинг Нью-Гемпшир штатидаги Бреттон-Вудс шаҳарчасида ўтказилган халқаро конференцияда ташкил этилди. Хўш, Жаҳон банки қандай эҳтиёж туфайли тузилди?

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг, кўплаб мамлакатлар жиддий муаммо — тикланиш ва тараққиёт учун зарур бўлган маблағ танқислигига дуч келиши табиий ҳол эди. Ана шу муаммонинг олдини олиш мақсадида, анжуман иштирокчилари Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкини (ХТТБ) таъсис этишга келишиб олдилар. Жаҳон банки ташкил топган илк даврда унинг асосий вазифаси Европа давлатларига тикланиш йўлида кўмаклашиш эди. Бугун эса ушбу ташкилотнинг фаолият доираси янада кенгайган. Жаҳон банки ривожланаётган ҳамда иқтисодий ўтиш жараёнини бошидан кечираётган давлатларга сармоя киритиб, уларнинг иқтисодий ўсишига молиявий кўмаклашмоқда. Айни пайтда 180 мамлакат Жаҳон банкининг аъзосидир. Ташкилот ўзининг ярим асрлик фаолияти давомида 140 дан зиёд мамлакатда олти мингта лойиҳани амалга ошириш учун 300 миллиард АҚШ доллари миқдорида кредит берди.

Жаҳон банки гуруҳи тўртта йирик ташкилотдан иборат. Булар — Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ), Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА), Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ва Сармояларни ҳимоялаш бўйича кўптомонлама агентлик (СҲКА). Одатда ХТТБ қисқача — Жаҳон банки, деб ҳам юритилади.

Бугун Ўзбекистон Жаҳон банки гуруҳининг барча ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда ХТТБнинг тўртта лойиҳаси амалга оширилаётир. Лойиҳалардан кўзда тутилган асосий мақсад — республикада макроиқтисодий жараённинг барқарорлашувига ҳамда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиш, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва энергетика соҳаларида бозор муносабатларига ўтишни тезлаштириш, ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантиришдир. Лойиҳаларни амалга ошириш учун Жаҳон банки томонидан айни пайтга қадар 252 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Халқаро молия корпорацияси ва Сармояларни ҳимоялаш бўйича кўптомонлама агентлик билан ҳам хусусий секторни ривожлантириш, банк тизимини яхшилаш, тоғ-кон қазиш ишларини маблағ билан таъминлаш, коммуникация, транспорт, сайёҳлик ва бошқа соҳаларни ривожлантиришда ўзаро ҳамкорлик қилаётир.

Жаҳон банки 1996-1997 молия йилида (молия йили июлда бошланди) Марказий Осиёда ўз фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирмоқда. Банкнинг бундай қарорга келишининг боисини Ўзбекистондаги сиёсий барқарорлик, дадиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотда деб изоҳлаш мумкин.

— Лекин муносабатларимиз кундан-кунга ривожланиб бораётган бўлса-да, ҳали барча имконият ҳам тўла ишга солинганича йўқ, — дейди Жаҳон банкининг Марказий Осиё ва Европа мамлакатлари бўйича департаменти директори жаноб Юкон Хуанг. — Оддий бир мисол: хизмат кўрсатиш, яъни сервис соҳасида биз том маънодаги ҳамкорликни бошлаганимиз йўқ. Пахта етиштиришни ривожлантириш борасида эса ҳамкорлигимиз ҳали илк босқичда турибди. Агар, Ўзбекистон пахта экспорт қилиш бўйича жаҳонда иккинчи ўринни эгаллашини ҳисобга олсак, пахтачиликни ривожлантиришдаги ҳамкорлик ҳар икки томон манфаатларига хизмат қилишига амин бўламиз.

Дастлаб Жаҳон банки Ҳамдўстликнинг барча давлатлари билан кенг қамровли ҳамкорлик бошлашга шошилмаган эди. Бу даврда ташкилот мутахассислари МДҲ мамлакатларидаги иқтисодий ислоҳотлар жараёни ва уларнинг имкониятини ўргандилар.

Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодий вазияти билан мамлакатимиз мустақилликка эришган даврдаги шароитни солиштирсак, катта фарқни кузатамиз. Ўша даврда инқирозга учраган собиқ Иттифоқдан «мерос» ўтган макроиқтисодий беқарорлик, нархларнинг доимий ўсиб туриши ва ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб бориши Ўзбекистон иқтисодиётини анча қийин аҳволга солган эди. Аммо, ички имкониятдан оқилона фойдаланиш, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқаришни кучайтириш, нефть ва газ қазиб олиш ҳажмини ошириш, экспорт ва импортни собиқ СССР бозоридан бошқа хорижий бозорларга йўналтириш туфайли бу тўсиқлардан муваффақиятли ўтиб олинди. Ўзбекистон танлаган иқтисодий ислоҳотлар йўли эса тез орада жаҳон ҳамжамияти томонидан маъқулланди. Айни пайтда Ўзбекистон иқтисодий барқарор тараққиёт изига тушмоқда.

Халқаро ташкилотларнинг маълумотига кўра, Ўзбекистоннинг иқтисодий тангликдан тезроқ чиқиб олиши ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш (интеграция) жараёни Ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларга нисбатан анча тез кечмоқда. Республика ҳукумати томонидан миллий иқтисодиётнинг ўта танг аҳволга тушиб қолмаслиги учун ўз вақтида кўрилган муҳим чора-тадбирлар бу борадаги ютуқларга замин бўлаётир. Республикамизда бошланган иқтисодий ислоҳотлар бугун ўз натижасини бермоқда — нархлар ва савдо эркинлаштирилиб, иқтисодиёт марказий бошқарувдан бозор муносабатларига ўтаяпти.

— Ислоҳотнинг мазкур босқичида жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ички бозорни янада кенгайтириш ва ишлаб чиқарувчи кучлардан унумли фойдаланиш имкониятини беради, — дейди Жаҳон банки мутахассиси, Нью-Йорк таймс» ва «Вашингтон пост» газеталарининг собиқ иқтисодий шарҳловчиси Тим Каррингтон. Унинг фикрича, бугун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини ошириш ва янги технологияларни жорий этиш учун Ўзбекистонга йирик хорижий сармоядорларнинг жалб этилаётгани жаҳонда синалган энг тўғри иқтисодий стратегиялардан биридир.

Тим Каррингтоннинг бу сўзлари Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари — Жанубий Корея, Тайван, Гонконг ва Сингапур тажрибасини ёдга солди. Мазкур минтақа давлатлари ўз миллий иқтисодиётини хорижий сармоялар жалб этиш йўли билан зарур изга солибгина қолмай, бугун четга сармоя ҳам чиқармоқда. Аслида табиий бойликларга деярли эга бўлмаган, ҳатто, 30-40 йил илгари «қолоқ» ҳисобланган бу давлатлар, бугун мисли кўрилмаган даражада тараққий этаётгани барчага аён. Зеро, сўнгги пайтларда уларнинг «Осиё йўлбарслари» деб аталаётганининг сабаби ҳам шу билан изоҳланади. Ушбу минтақа давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий юксалиш, аввало, ҳукуматнинг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда тутган тўғри йўлига боғлиқдир.

Агар Ўзбекистон билан бу давлатларни таққосласак, сўзсиз, республикамизнинг бу борада имкониятлари анча кенг эканлиги равшан бўлади. Бугун мамлакатимизда хорижий сармоялар учун яратилган қулай шарт-шароит Ўзбекистоннинг бой табиий заҳираларини ўзлаштириш учун чет эл сармоядорларига катта имконият бермоқда.

Тоғ-кон қазиб чиқариш соҳасида хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси бу борадаги катта ишларнинг дебочаси бўлди, десак хато бўлмайди. Яқинда республикамизда халқаро молия корпорацияси ҳамкорлигида Қизилқумдаги Омонтўйтоғ олтин конини ўзлаштириш бўйича янги лойиҳа маъқулланди. Лойиҳага биноан, тоғ-кон қазиш ишлари бўйича хусусий секторда Марказий Осиёда энг йирик, Ўзбекистонда эса илк қўшма корхона ташкил этилади. Қўшма корхона акциялари Ўзбекистон Геология ва минерал заҳиралар давлат қўмитаси, Навоий кон-металлургия комбинати ҳамда Буюк Британиянинг «Лонро» компаниялари ўртасида ўзаро тақсимланади. Халқаро молия корпорацияси (ХМК) эса лойиҳани маблағ билан таъминлаш ишида иштирок этади. Умуман, қиймати 355 миллион АҚШ доллари турадиган мазкур лойиҳада ХМКнинг ҳиссаси қарийб 144 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Шуни таъкидлаш керакки, қўшма корхона энг замонавий технология билан жиҳозланиб, унда МДҲда илк маротаба олтинни биологик йўл билан оксидлаш усули қўлланилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Жаҳон банкининг Марказий Осиё минтақасидаги ишончли шеригига айланиб бормоқда. Буни жаҳон банки вице-президенти Йоханес Линнинг яқинда мамлакатимизга расмий ташрифи яққол исботлади. У Президент Ислом Каримов билан Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Умид қиламизки, мазкур учрашув икки томонлама манфаатли алоқаларнинг янги қирраларини очишга хизмат қилади.

**Сангин ЖАББОРОВ. (ЎзА).**
**Тошкент — Вашингтон — Тошкент.**





***Бўстонлиқ тумани марказий шифохонасида дори-дармон танқислигини рўкач қилиб ўтирмай даволашнинг замонавий ҳамда халқ табобатида тажрибадан ўтган илғор усуллардан кенг фойдаланилмоқда.***

***СУРАТЛАРДА:** экстрогениталь касалликлар бўлими мудираси А. Умарова беморлар билан суҳбат ўтказаётган пайти; бўлим ҳамшираси Ж. Жумабоева беморнинг юрак уришини текширмоқда.*

**В. ПОРТНОВ олган суратлар.**

# «ҚИРҚ МУЛЛА» — ҚАДИМИЙ ҚУТЛУҒ ДАРГОҲ

**Фан ва маданиятимиз тарихига назар ташласак, бундан икки минг йиллар илгари ҳам диёримизда ёзув ва илм-фан даргоҳлари мавжуд бўлганлигининг гувоҳи бўламиз.**

Араблар истилосига қадар Хоразм ёзувлари мавжуд бўлиб, ота-боболаримиз ана шу ёзув асосида иш юритганлар. Аммо, араб истилочилари, бу ёзув оташпарастларники, деган баҳона билан барча китоб ва қўлланмаларни ёқиб юборишган. Ҳатто, бу ёзувдаги хатларни уйма-уй излашиб, мажбурий равишда тортиб олишган. Натижада қадимги Хоразм ёзувлари таг-туги билан йўқ бўлиб кетган. Бироқ, бу билан юртимизда илм-фан тараққиёти тўхтаб қолган эмас. Милодий VIII — IX асрларда биринчи бор таркиб топган Шарқ академияси «Байт ул-ҳикмат»да хоразмлик буюк риёзиётчи олим Мусо ал-Хоразмий ва фарғоналик машҳур фалакиётшунос Муҳаммад ал-Фарғонийлар ўз илмий тадқиқотларини олиб борганлар. 1010 йили эса буларнинг саъйи ҳаракатлари билан Урганчда Маъмун академиясига асос солинди. Уни маҳаллий халқ ҳозиргача «Қирқ мулла» илм даргоҳи деб атаб келади. Сабаби бу академиядан жаҳонга машҳур қирқ олим етишиб чиққан. «Қирқ мулла»га ўз даврида, яъни 973 — 1048 йиллари Абу Райҳон Беруний раҳбарлик қилган. Бу академияда Абу Али ибн Сино ва унинг шогирдлари Абу Саҳл Масиҳий, Зайнилдин Журжоний, Абул Ҳасан Ҳамморлар билан бир қаторда йирик математик олим Абу Наср Арроғ, Ибн Мискивайнийлар ҳам илмий изланишлар олиб борганлар. Бу қутлуғ даргоҳда қирқдан ошиқ илм-фан фидойилари игна билан қудуқ кавлашиб, бутун ер юзига танилганлар. Ҳатто, аждодларимиз бўлмиш айрим олимларимизнинг исми-шарифлари илм-фанга ўз-ўзидан сингиб кетган. Масалан, испан математиги Роберт Честерский Муҳаммад ал-Хоразмийнинг машҳур «Ал-жабр вал муқобала» асарини 1145 йили лотин тилига арабчадан таржима қилган. Таржима жараёнида у «Ал-жабр» сўзини «Алгебра», «Ал-Хоразмий»ни эса «Алгоритм» дея лотинчага ўгирган. Бу атамаларнинг биринчиси ҳозирги математика фани номига, иккинчиси эса ҳисоблаш математикасининг асосий иборасига айланган. IX аср бошларида яшаган фарғоналик олим Абул Аббос Фарғонийни эса «Альфраганус» деб атаганлар. Ҳатто, итальян адиби Дантенинг «Илоҳий комедия»сида ҳам олимимиз «Альфраганус» номи билан тилга олинади. Нега деганда 1465-66 йиллари Фарғоний илмий ишларидан кўпгина жаҳон ўқув юртларида қўлланма сифатида фойдаланилган.

Шунга ўхшаш Абу Райҳон Берунийни Оврупода «Алибарон» деб, Абу Али ибн Синони эса «Авиценна» номи билан атаганлар.

Довруғи оламга кетган «Қирқ мулла» академиясининг таъсири натижасида мамлакатимизда бошқа илм-фан марказлари бирин-кетин пайдо бўла бошлаган. Соҳибқирон Амир Темур Самарқандга тўплаган олимлар, шоирлар, тарихчилар, меъморлар XY аср фани ва маданиятига асос солган бўлсалар, Улуғбек давридаги мадраса ва расадхона академия вазифасини ўтаган. Кейинроқ эса Ҳиротда Алишер Навоий ташаббуси билан илмий-маданий марказ бунёдга келган.

80-йиллар бошларида кўҳна Урганчга борганимда минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган «Қирқ мулла» илм даргоҳининг сақланиб қолган асосий қисми ташландиқ ҳолда бузилиб-ёрилиб ётганди.

Уни яхшилаб таъмирлаб, музейга айлантирилса, фойдадан холи бўлмасди. Ахир у Ўзбекистонимизда бундан минг йил бурун фанлар академияси мавжуд бўлганлигини кўз-кўз қилиб турадику! Ваҳоланки, ўша пайтларда баъзи Оврупо мамлакатларида ҳали ёзма адабиёт бўлган эмас. Ўзбекистон Фанлар академияси қошида илм-фан тараққиётини кўрсатиб турувчи алоҳида бир музей ташкил этилар ва унда «Қирқ мулла» бўлими ҳам намойиш қилинар. Бу бир таклиф холос.

**ОЛИМ ҚЎЧҚОРБЕКОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи.**

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

**Халқ сўзи**

**Обуна — 97**

# СИЗНИНГ ҲАМРОҲИНГИЗ

*Муҳтарам газетхон!*

*Мустақиллигимиз билан тенгдош бўлган «Халқ сўзи» газетаси мамлакатимиздаги энг муҳим воқеа-ҳодисаларни, янгилик ва хабарларни тезкорлик билан сизга етказиб турган нашрдир. Зеро, газетамиз ҳафтада беш марта чоп этилиб борилади.*

*Олий Мажлис қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда расмий хабарлар асосан «Халқ сўзи» орқали халқимизга етиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.*

*Курраи заминда содир бўлаётган энг сўнгги янгиликлар, мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий мақолалар ва ахборотларни, чуқур таҳлил этилган сиёсий-иқтисодий шарҳларни бундан буён ҳам ўқиб боришни истасангиз, «Халқ сўзи»га обуна бўлинг!*

*Газетамизда чоп этилаётган долзарб, қизиқарли ва мазмундор материаллардан ҳокиму раҳбарлар, ишбилармону тадбиркорлар, деҳқону чорвадорлар, олиму зиёлилар -- барча баҳраманд бўлиши шубҳасиз.*

*«Халқ сўзи» ўз ўқувчилари билан доимий алоқада эканлигини улардан келаётган хат-хабарларни имкон қадар чоп этиб бораётгани ҳамда ариза ва шикоятларни мухбирлар жойида ўрганиб, айримларини тегишли идора ва ҳокимликларга юбориб уларнинг жавобларини газета саҳифаларида ёритиб бораётганлигидан ҳам англаш мумкин. Кўплаб фуқароларнинг муаммолари «Халқ сўзи» аралашгач, ижобий ҳал бўлаётганидан, халқимизга ёрдамимиз тегаётганидан беҳад мамнунмиз.*

*Агар сиз бироз ҳиммат кўрсатсангиз, «Халқ сўзи» бир йил ҳамроҳингиз бўлиб қолишини унутманг!*

*Обуна бўлиш учун сиз тегишли маълумотларни мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларидан олишингиз мумкин.*

**Шошилинг! «Халқ сўзи» — бу — сизнинг газетангиз!**

*Автойўл хизмати*

# ЙЎЛЛАР ҲАМ ЮРТНИНГ ФАЙЗИ

**Кейинги йилларда Андижон вилоятида шаҳар ва қишлоқларни боғловчи барча йўллар кенгайтирилиб, равонлаштирилди. Бунда йўлсозларнинг катта ва шарафли меҳнати мужассам.**

Меҳнатга чанқоқ, янгиликка ўч кишилар аллақачон иш юритишда эски усулдан дадил воз кечиб, янги технологияни ишлаб чиқаришга иккиланмай жорий этмоқдалар. «Андижонавтойўл» давлат акционерлик бирлашмаси йўлсозларини шу тоифага киритиш мумкин. Улар 2459 километрлик автомобиль йўлларидан транспорт воситалари оқимининг узлуксиз ва хавф-хатарсиз ҳаракат қилишини таъминлаш борасида кўп иш қилдилар. Хусусан, шу йилнинг саккиз ойи мобайнида 22,7 километрлик йўлга асфальт, 4 километрлик йўлга қоплама ётқизилди, 33,3 километрлик йўлнинг қопламаси қайта тикланди, 11,3 километрлик шағал йўл таъмирланиб, 193 километрдан ортиқ йўлга эса битум қуйилди.

Бундан ташқари, 60 километрлик йўлнинг четлари мустаҳкамланди, 200 дан ортиқ ерда автомобиллар тўхтайдиган майдонча ва 60 та бекат қурилди.

Яқин-яқингача Андижон--Куйганёр, Куйганёр--Пойтуғ, Андижон--Асака йўналишидаги йўллар, Андижон шаҳридаги «Буюк ипак йўли» кўчасининг бир қисми, аксарият шоҳкўчалар тор, кўримсиз ва ўйдим-чуқур эди. Бугунги кунда улар кенглиги, равон ва текислиги, ўқ чизиқлар тортилганлиги, темир-бетон тўсиқлар билан муҳофаза этилгани, четларида гулзорлар яратилиб, ободонлаштирилганлиги боис кўзларни қувонтирмоқда.

Юртбошимиз Андижонга сафари чоғида йўлсозлар шаънига ҳам илиқ сўзлар айтган эди. Ўзларининг ҳалол, самарали меҳнатига берилган юксак баҳодан руҳланган тармоқ ходимлари Тошкент--Ўш йўлининг 333--360 километрини биринчи тоифага ўтказиш учун тинмай ҳаракат қилмоқдалар. Бу йўл 15 метр кенгайтирилиб, сув ўтказувчи қувурлар узайтирилади, янги кўприклар барпо этилади. Бишкек--Ўш автомобиль йўлининг 7 километрлик қисмида ҳам шундай бунёдкорлик ишлари олиб борилаётир.

Фарғона водийси вилоятларини республикамиз пойтахти билан боғловчи Ўш--Тошкент йўлининг «Қамчиқ» довони қисмини таъмирлаш мутахассислардан ғоят аниқлик билан ишлашни тақозо этади. Бу ерда иш икки йўналишда олиб борилмоқда. Биринчисида мавжуд йўл қайта қурилмоқда. Иккинчи йўналишда эса янгиси бунёд қилинмоқда. Қаттиқ тоғ жинсларини бурғулаш ва портлатиш каби сермашаққат ишларда қўшни Қирғизистондан келган мутахассислар ҳам кўмаклашаётир. Ҳозирги кунда ушбу довонда 130 ишчи-механизатор меҳнат қилмоқда. 58 та транспорт воситасидан фойдаланилмоқда. Ўтган 8 ой мобайнида жами 40 миллион сўмликдан зиёд иш бажарилди. 416,2 минг куб метр тоғ жинслари портлатилиб, ўнгирлар текисланди.

Довонда ишлаётганлар учун барча қулайликлар яратилган. Уларга уч маҳал бепул иссиқ овқат берилмоқда, ошхона ва нонвойхона хизмат қилаётир.

-- Биз вилоятдаги қатор жамоалар билан шартнома тузганмиз, -- дейди «Андижонавтойўл» бирлашмаси раҳбари Абдупатто Жўраев. -- Шартномага кўра, «УзДЭУавто» қўшма корхонаси қурилишида, Андижон аэропортини таъмирлашда, Андижон шаҳридаги Амир Темур кўчасини кенгайтиришда, бир қанча кўприкларни тиклашда фаол қатнашдик. 10 та турар жой биносининг калитини эса эгаларига топширдик.

Йўлсозларнинг келгуси режалари ҳам салмоқли. Улар яна 340 километрлик йўлни кенгайтириб, асфальт ётқизишади, 5 та кўприк тиклашади, Тошкент--Ўш йўлининг вилоят ҳудудидан ўтган 30 километрлик қисмини эса қайта қуришади. Биргина «Қамчиқ» довонида 200 миллион сўмлик иш бажарилади.

Хизмат кўламини кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишда узилишларга йўл қўймаслик борасида бирлашма қошида ташкил этилган ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари, цехлари, автохўжаликлар катта аҳамият касб этмоқда. Айни кунларда йўл хўжаликларига 5 та асфальт цехи маҳсулот етказиб бераётган бўлса, келгусида қўшимча 2 та асфальт-бетон заводи қурилади. Андижон ва Хўжаобод туманларида эса темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган цехлар фаолият кўрсата бошлайди.

Йўллар... Улар кун сайин ҳам энига, ҳам бўйига кенгайиб бормоқда. Кечагина носоз, ғадир-будур бўлган йўллар бугун давлатлараро аҳамиятга молик йўллардан сира қолишмаётир. Уларнинг ҳаммаси юртимиз файзига-файз қўшмоқда.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

